

Ishonch

2018 йил 27 феврал • сешанба • № 25 (3998)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Қоғоз чиқиндисидан харидоргир маҳсулот

Шу пайтгача Сурхон воҳасида аҳоли хонадонларидан чиқадиган эски қоғоз чиқиндилари, савдо дўконларида тўпланиб ётадиган картон ҳамда қоғоз қутилар, газета тахлamlари, корхона-ташкilotлардаги муддатини ўтаб бўлган ҳужжатлар асосан Тошкент шаҳрига олиб кетиларди. Энди «Сурхон қоғоз қайта ишлаш» МЧДЖ чекланмаган миқдорда қоғоз чиқиндиларини қабул қилиб, қайта ишламоқда.

2-бет

«Эртага келинг, индинга келинг...» Бу вақтларнинг даври ўтди

Ҳаммамизнинг у ёки бу масала юзасидан давлат идораларига ишмиш тушиб туради. Бундай пайтда кўнгилнинг бир чеккасида «Ишқилиб, муаммо ортқича овозагарчилликсиз, тезроқ ҳал бўлсин-да», деган илмж бўлади. Қоидага кўра, ҳар қандай мурожаат тегишли мутасаддилар томонидан белгиланган муддатларда қўриб чиқилиши, ариза ёки шикоятимизга асосли жавоб қайтарилиши шарт.

3-бет

Аҳоли газ таъминотидан норози

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясидан маълум қилишларича, ўтган йилги мурожаатлар сони 2016 йилдагидан 4219 тага кўпайган.

4-бет



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

26 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Режеп Таййип Эрдоғанни тузилган куни билан самимий қутлаб, унинг Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги қардошлик ва стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қатъий эътибори ва сайёҳаракатларини ҳамда қўшаётган улкан ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Суҳбат чоғида икки давлат раҳбарлари томонидан 2017 йил октябрь ойида Туркия Республикасига амалга оширилган олий даражадаги ташриф доирасидаги самарали учрашув ва музокаралар кўп қиррали ва ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратгани ҳамда аниқ амалий мазмун бахш этгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Президент Режеп Таййип Эрдоған Президент Шавкат Мирзиёевга табрик ва эзгу тилаклар учун самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Президенти тимсолида Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигини хар томонлама мустаҳкамлаш борасида ҳақиқий биродар ва ҳамфирқа эга бўлганини алоҳида таъкидлади.

Мазкур тарихий ташриф якуналари бўйича эришилган аниқ ке-

лишув ва имзоланган битимларнинг бажарилиши, жумладан, савдо, инвестиция, банк-молия, транспорт, туризм ва бошқа муҳим соҳалардаги йирик қўшма лойиҳаларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш борасида келишиб олинди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг Ўзбекистон Республикасига бўлгуси олий даражадаги ташрифига тайёргарлик кўриш ҳамда муқаддам эришилган келишувларнинг бажарилиши масалалари юзасидан Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ташкиллаштириш муҳимлиги эътироф этилди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигини янада кенгайтириш истикболларини атрофлича муҳокама қилди, минтақавий ва халқаро долзарб масалалар бўйича фикр алмашди.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик алоқалари ҳамда аъъанавий яқин ҳамкорликни хар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёргарлигини билдирдилар.

ЎЗА

Янгиланиш



ОБОД ҚИШЛОҚҚА АЙЛАНАЁТГАН МАНАС



Мамлакатимиз Президентининг жорий йил 22 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини» «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоълар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони юз бераётган ўзгаришлар янада кенг қўлам касб этишидан дарак бермоқда. Дастур асосини «Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун» деган тамойил ҳамда «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган эзгу гоъ ташкил этилиши ҳам шундан далолатдир.

Фармонда мавжуд муаммо ва масалаларни ҳал этиш чора-тадбирларини янада кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий жаҳдаларда инновацион технологияларни жорий этиш, аҳолининг реал даромадларини ошириш, «истеъмол саватчаси»ни аниқлаш, ижтимоий уй-жойлар қурилишини кўпайтириш, эҳтиёжмандларга манзилли кўмак кўрсатиш каби жамиятимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи ишлар бирламчи вазифа сифатида белгиланган.

2»

Одил Ёқубов феномени



Одил Ёқубов феномени.
Уни идрок этиш, фахмлашга интилиш ўз халқини жондан севган улўғ адибнинг бепоён олами сирларидан воқиф этади. Бу ҳол беқиёс тарихий асарлари, гўзал қиссалари, такрорланмас ҳикояларидагина эмас, балки фикри-зикри, ўй-мулоҳазаларида ҳам акс этганига шубҳа йўқ. Зеро, ўз ички ҳис-туйғуларидан озикланган ижод аҳли дил ва тил бирлигига эришибгина самимий ҳамсуҳбат топа олади.

4»

Дунёдаги хар бир халқнинг ўз тарихи, ривожланиш йўли, сиёсий қарашлари бор. Инсонларни ўзаро боғлаб турадиган шундай муносабатлар ҳам мавжудки, бу дунёда тинчлик ва ҳамжихатликка эришиш, ягона маконда барқарор ривожланиш каби ижобий тенденцияларга эришиш имконини бермоқда.

ЎЗБЕКИСТОН БРЕНДИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИНГ ЎРНИ

Бу халқларнинг асрлар оша шаклланган маданият, санъат ва аъъаналарга муносабатидир. Айни шу мезонлар бутун давлатларнинг ҳам маънавий, ҳам халқаро майдондаги нуфузини ошириш ва барқарор ривожланишининг муҳим шартидир.

Пойтахтимизда ўтказилган «Мамлакат тараққиёти ва халқаро имижини шакллантиришда маданият ва санъатнинг ўрни» мавзусидаги халқаро давра суҳбатиди шу ҳақда сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус вакиллари, халқаро экспертлар иштирок этди.

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, муваффақиятли бренд, биринчи навбатда, туризм ва мада-

ният каби бир-бири билан боғлиқ соҳаларни ривожлантиришнинг тақозо этади. Маданиятлараро ижодий мулоқотни йўлга қўйиш ўзбек санъатининг жаҳон бадийи ва маданий маконига интеграциялашувига кўмаклашишда муҳим ўринга эга.

Айқуманда Самарқанд, Бухоро, Хива сингари тарихий шаҳарлар, Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк алломалар, уларнинг бебаҳо меросини кенг миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишда замонавий ёндашувларни илгари суриш, кадрлар салоҳиятини ошириш Ўзбекистон миллий брендини шакллантиришнинг муҳим омилли экани қайд этилди. Мазкур жараёнда давлат ва жамоат ташкилотларининг ягона мақсад йўлида ҳаракат қилиши, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

КУН НАФАСИ

24 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Эстония Республикаси Президенти Керети Кальюлайдни ушбу мамлакат Мустақиллиги куни билан табриклади. Бу ҳақда Президент матбуот хизмати хабар берди.

25 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қувайт давлати амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳни ушбу мамлакат Мустақиллиги куни муносабати билан қутлади.

Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудри лавозимида ишлаб келган Каҳрамон Анваржоновиц Йўлдошев Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

Эслағиб ўтамин, Каҳрамон Йўлдошев 2010 йилдан «Ўзбектелеком» АК бош директори ўринбосари, кейинчалик бош директорининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаган.

Фароҳиддин Ибрагимов Ўзбекистон товар-хом ашё биржаси бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланди.

Акмалхўжа Юсупович Мавлонов Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи этиб тайинланди.

А.Мавлонов илгари Хоразм вилояти прокурори лавозимида фаолият юритган.

«Ўзбектелеком» компанияси бош директориликка Фарход Рўзиев тайинланди.

Фарход Рўзиев бунга қадар «Sarkor Telecom» компанияси директори лавозимида ишлаган.

Жорий йил 28 феврал куни Тошкент шаҳрида «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоъ ва технологиялар йили» Давлат дастури ижроси доирасида замонавий юқори технологиялар асосидаги инновацион гоъларни кишлоқ хўжалигига татбиқ этиш, бу борадаги мавжуд муаммолар ечимини топиш мақсадида халқаро конференция ўтказилди.

Интернет нашрлари ҳамда ўз муҳбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди

ОБОД ҚИШЛОҚҚА АЙЛАНАЁТГАН МАНАС

41

Хеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамларимиз ҳаётини фаровон қилишга, турмуш сифатини оширишга қаратилган «Обод қишлоқ» дастурининг мамлакатимиздаги илк ижроси Дўстлик туманидаги Манас қишлоғида бошланди.

— Ўтган асрнинг олтинчи йилларида ташкил этилган хўжалик пахта яккахожимлиги ва бошқа бир қатор омиллар туфайли ҳар жиҳатдан қолоқликка юз тутди, — дейди 84 ёшли Ориф ота Уматов. — Бу, ўз навбатида, одамларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити, ижтимоий аҳолига салбий таъсир қилмай қолмади.

Айни кунларда бир вақтлар ҳаёл чизгиларидагина қад ростлаган мисли қўрилмаган янгиланишларни ушбу қишлоқда амалга ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи ҳамда вилоят ҳокими бошчилигида бириктирилган масъуллар фаолият олиб бормоқда.

Тезкор маълумотларга кўра, хонадонларда ўрганилган 228 та турли муаммонинг 210 таси ижроси «йўл харитаси»га киририлиб, назоратга олинди. Мавжуд муаммоларни рўйхатга олишда Жиззах давлат педагогика ҳамда Жиззах политехника институтлари қасаба уюшма ташкилотлари алоҳида жонбозлик кўрсатаётди.

Вилоят Халқ қабулхонасининг кўчма қабулхонаси масъул ходими Азизжон Пардаев ҳузурига келадиган фуқароларни санаб, саноғига етиш қийин. Қорасув кўчасида истиқомат қилувчи 67 ёшли Омон Тоғаев 42 йиллик меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжати қўйиб кетгани туфайли қарилик нафақаси олиб келадиганини билдирган, муро-

жаат тегишлилиги бўйича назоратга олинди.

Тиббий кўрик масканига Ойниса Раҳмонова, Бунёд Абдурахмонов сингари виллоятдаги йигирма нафар малакали шифокор ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари жалб қилинган бўлиб, ҳар кун тўрт юзга яқин кишининг саломатлиги назоратдан ўтказилаётган. Эътиборли жиҳати, тиббий хизматларгина эмас, дори-дармонлар, кардиограмма, УЗИ, лаборатория клиникаси, рентген қабилад ҳам текин эканлигини кўрсатди.

**МАНАСЛИКЛАРНИНГ
БУГУНГИ УЛКАН
ҲАҲМДАГИ ҚУРИЛИШ-
БУНЁДКОРЛИК, ОБО-
ДОНЛАШТИРИШ ВА
ЯРАТУВЧАНЛИК ИШЛА-
РИГА ШУНЧАКИ ТОМО-
ШАБИН БЎЛИБ ҚОЛ-
МАСДАН, ДАСТУРНИ
АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗА-
СИДАН МАВЖУД 24 ТА
КЎЧА ОКСОКОЛЛАРИ
БОШЧИЛИГИДА ФАОЛ-
ЛИК БИЛАН ХАЛҚ ҲА-
ШАРИГА ОТЛАНГАНИ,
АЙНИҚСА, ТАҲСИНГА
ЛОЙИҚ.**

Вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси лойиҳачиси Умид Ҳазраткуловнинг айтишича, Манас қишлоғида 34 та икки қаватли турар-жой, бозор комплекси, стадион, болалар майдончалари сингари объектлар барпо этилади, 19 километрлик ички ҳамда Дўстлик-М-39 халқаро автойўлини боғловчи масофада таъмирлаш ишлари бажарилади, натижада ҳеч қанча фурсат ўт-

май ушбу ҳудуд республикаимиздаги биринчи намунавий обод қишлоққа айланади.

Сафаримиз давомида Жиззах политехника институтини автотранспорт факультетини автойўл кафедраси магистрантлари Элдор Мўминов, Ноила Саидбахромова, Элбек Уришбоевларни кизгин иш жараёнида учратдик. Улар йўл четларига бетон ариқларни жойлаштириш ҳолатини махсус мосламалар ёрдамида қурувчиларга аниқ-равшан қилиб кўрсатиб туришди. Ёшлар зиммаларига юкланган вазифани тез ва соз амалга оширишга тўғриватган барча мамнун.

Дўстлик туман ҳокимининг иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари Баҳоидир Доғиёров таъкидлаганидек, дастур доирасида ҳаҳарда қатнашаётган тўрт минг кишининг қиш-кировли кунларидаги фидокорона меҳнати, ўларча замонавий техникалардан унумли фойдаланиш самараси ўларок Манас қишлоғи кун сайин тобора ўзгача тусга кириб бормоқда. Ҳозиргача мавжуд 34 та қўп қаватли уйлари ва тўрт қаватли шифер ётқизиш ишлари ниҳояланмоқда, ёғоч симёғочлар пишиқ-пукта бетонли-сига алмаштирилиб, бешта трансформатор ўрнатилди, ўн километрлик ҳаво линияси, тўрт километрлик кабел тортишмоқда.

Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги Давлат



тизимини назорат қилиш хизмати бошлиғи Топил Маҳаммадияев билан суҳбатимиз туфайли қишлоқнинг эртанги манзараси янада ойдинлашди. Вазирлик тизимидаги 200 нафар кутқарувчи ва ҳарбий хизматчи 18 та махсус техника кўмағида 350 та хонадондаги эскирган, ноқонуний қурилган биноларни бузиб, икки қаватли уйлари ва тўрт қаватли шифер ётқизиш ишлари томонини таъмирлашда иштирок этаётган.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида Манас қишлоғида амалга оширилаётган кенг қўламли яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари билан таъмирлаш эканлиги, бу муҳим жаҳҳада қасаба уюшмаларининг ўрни ва роли алоҳида эътирофга муносиб-лигидан қувондик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юртимизда инсон манфаатлари ҳамма

нарсалар устун ҳамда кучли ижтимоий ҳимоя устувор тамойил эканлигига яққол мисолдир. Ушбу қарор асосида қасаба уюшмалари томонидан эҳтиёжманд ва ғамхўрликка муҳтож фуқароларга эътибор ва моддий қўмақдан ўнга яқин манасликлар ҳам бебаҳра қолишмади.

Яна бир хушхабар: «Обод қишлоқ» дастури амалга оширилаётган Манас қишлоғида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилди!



Абдуманнон АЗИМОВ
«Ishonch»

надиган қолиплар (флейка) ва ҳоказолар ташкил этади.

— Фаолиятни яқинда бошлаганимиз учун Термиз, Ангор, Шеробод, Жарқўрғон туманлари, Термиз шаҳри аҳолиси ва турли ташкилотлардан қоғоз чиқиндиларини тўплаб олаётимиз, — дейди қорхона раҳбари Рустам Неъматуллаев. — Яқин орада Сурхон воҳасидаги барча туман ва маҳаллалардан қоғоз чиқиндилари йиғиладиган шохобчаларни ташкил қилишни режалаштирганмиз.

— Цехимизда тайёрланаётган маҳсулотларни нафақат вилоятимиз, балки Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларидан ҳам харидорлар олиб кетишмоқда, — дейди бош муҳандис Норсат Бўронов. — Бундан ташқари, ипак курти парвартишланадиган сўчаклар устига тўшаш учун қоғоз, тўқув ва тикув фабрикаларида қалава ип ўраш картон ўзаклари (конуслари) тайёрлаш бўйича ҳам буюртма олдик.

Эътиборлиси, қорхонада маъмурият ва вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан бошлангич қасаба уюшма кўмитаси ташкил этилди. Энди янги сайланган қасаба уюшма етакчиси ва аъзолари қорхона маъмурияти билан ҳамкорликда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда бир-бирларига елкадош бўлади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» муҳбири



Ҳудудлардан хабарлар

Андижон шаҳрида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари вилоят бирлашган қасаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан йўллардан фойдаланиш қорхоналари қасаба уюшма кўмитаси раислари, ходимлар бўлими бошлиқлари ҳамда хавфсизлик техникаси бўйича мутахассислар учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда меҳнатга оид муносабатларни расмийлаштиришда амалиётда учраётган чигалликларни бартараф этиш, иш бериувчининг мажбуриятлари, меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи локал ҳужжатлар билан ишлаш, жамоа шартномаларининг бажарилишини назорат қилиш масалалари муҳокама этилди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси **Бухоро** шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда Инкассация хизмати ДУК Бухоро вилоят бошқармаси томонидан 2017 — 2019 йиллар учун тасдиқланган жамоа шартномасининг 2017 йилда бажарилиши яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда жамоа шартномасининг ўтган йилда бажарилиш яқунлари тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Шунингдек, Самарқанд ва Хива шаҳарларига саёҳатларга келишиб олишди.

Навоий. Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Қизилтепа туман кенгаши ташаббуси билан 26 нафар ходимнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Сайёҳатчилар Имом ал-Бухорий мажмуаси ва Биринчи Президентимиз Ислам Каримов мақбарасини зиёрат қилишди. Самарқанд шаҳрида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари уларда катта таассурот қолдирди.

Наманган вилоятидаги чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи кам таъминланган 399 та оилага Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан газ плита ва газ баллонлари етказиб берилди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, эҳтиёжманд беморларга дори воситаларини сотиб олишда моддий ёрдам кўрсатилди.

Жиззах вилоят қасаба уюшма ташкилотлари Ёшлар бирлашмаси томонидан Жиззах давлат педагогика институтиди ёш ходимлар ва талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида очик мулоқот ўтказилди.

Сўзга чиққанлар ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, улар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритишди. Шунингдек, ёшларни ўйлантираётган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан фикр-мулоҳаза билдирилди.

Самарқанд вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошида туризм йўналишида «Қасаба Самарқанд» шўба қорхонаси иш бошлади.

Жорий йилда 16 мингдан ортиқ меҳнатқашларни юртимизнинг қадимий шаҳарлари, зиёратгоҳлари ва ноёб табиати билан таништиришни режа қилган қорхонада етарли малака ва қўнимга эга, бир нечта тилини пукта эгаллаган 4 нафар ходим иш билан таъминланди.

Сирдарё вилоятида жорий йил бошида қасаба уюшмалари тизимидаги мингдан зиёд бошлангич қасаба уюшма ташкилотларида «Соғлом оила» шиори остида оилавий спорт мусобақаларининг биринчи босқичи ўтказилиб, унда 3000 дан зиёд оила иштирок этди.

Спортнинг 11 тури бўйича тармоқлараро беллашувларда Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси аъзоларининг қўли баланд келди. Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси вакиллари кейинги ўринларни банд қилишди.

Сурхондарё вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, туман ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорликда кам таъминланган оилаларга уй-жой қуриб бериш, уларнинг яшаш жойларини таъмирлаш, бемор фуқароларга соғлигини тиклаш учун маблағ ажратиш масалаларини ўрганиб чиқишди.

Бундан ташқари, 70 та оилага маиший-техника жиҳозлари олиб берилиши режалаштирилди.

«Асака» АТБ Хоразм вилояти филиалида меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган, 2017 — 2019 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2017 йилдаги ижроси қўриб чикилди.

Йиғилишда иш бериувчи ҳамда қасаба уюшма кўмитаси томонидан ўтган йилда жамоа шартномасида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотлар тингланди.

Ўз муҳбирларимиз

Тадбиркор — элга мададкор

ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИСИДАН ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Юртимизда ишбилармон ва тадбиркорлар учун кенг имконият эшиклари очилган. Уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар илчил амалга оширилаяпти. Шундай шароитлардан фойдаланаётган термизлик тадбиркор Рустам Неъматуллаев Учқизил кўрғонида бўш турган бинолардан бирини нол қийматда олиб, қайта таъмирлади ва қоғоз чиқиндиларидан халқ хўжалиги учун зарур бўлган уч хил маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунинг учун банкдан 625 минг АҚШ долларига тенг кредит олинди ва қўшимча равишда таъсисчиларнинг 2 миллиард сўмлик ҳомийлик маблағи сарфланди.

Шу пайтгача Сурхон воҳасида аҳоли хонадонларидан чиқадиган эски қоғоз чиқиндилари, савдо дўконларида тўпланиб ётадиган картон ҳамда қоғоз қутилар, газета тахтамлари, қорхона-ташқиловлардаги мулдатини ўтаб бўлган ҳужжатлар асосан Тошкент шаҳрига олиб кетиларди. Энди «Сурхон қоғоз қайта ишлаш» МЧЖ чекланмаган микдорда

қоғоз чиқиндиларини қабул қилиб, қайта ишламоқда.

Қорхонада 33 нафар киши иш билан банд. Уларнинг 10 нафари касб-хунар коллежини битирган ёшлардир. Қорхона йил бошидан ҳозирга қадар 150 тонна қоғоз чиқиндиларини қайта ишлашга улгурди. Маҳсулотнинг асосини ўров қоғози, ҳар хил ҳажм ва сизимдаги картон қутилар, паррандачилик фабрикалари учун тухум соли-

Матбуот анжумани



АҲОЛИ БАНДЛИГИ халқ фаровонлиги гарови

Инсоннинг бирор қорхона, ташкилот ёки муассасада доимий иш билан банд бўлиши унинг дастурхони тўкин, турмуши обод, ҳаёти фаровон бўлишига хизмат қилади. Шу боисдан ҳам давлатимиз томонидан янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Миллий матбуот марказида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида гап борди.

Қайд этилганидек, ўтган йил давомида 1218 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Натижада ҳудудий бандликка қўмаклашиш марказлари

томонидан салкам 230 минг нафар фуқаро доимий иш ўрнига ҳамда 27 минг нафардан зиёд шахс жамоат ишларига жалб этилган.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларига бу борада қулайлик яратиш мақсадида «college.mehnat.uz» электрон ахборот тизими ташкил этилгани ўзининг ижобий самарасини берди. Ушбу тизим хизмати орқали ўқиниш тугалла-

ган салкам 333 минг нафарга яқин ёш йигит-қизлар муқим иш ўрнига эга бўлди.

Президентимизнинг «2018 йил аҳоли бандлигига қўмаклашиш Давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори жорий йилда ёшлар, эҳтиёжманд оила аъзоларининг ишга жойлаштиришга қўмаклашиш, янги сонаот қорхоналари барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринларини яратишга қаратилган.

— Ушбу қарорга асосан вазирлигимиз томонидан эҳтиёжманд, оилали ёш аёлларни ишга жойлаштириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, йил якунига қадар қўллаб-қувватлаш ҳолатини иш билан таъминлашни ният қилганимиз, — дейди вазир ўринбосари Эркин Мухиддинов.

Мазкур қарорда шу йил охирига қадар мамлакатимизда 346 мингдан зиёд ҳамда Ташқи миграция орқали 296 мингта янги иш жойини яратиш белгиланган.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» муҳбири

«Эртага келинг, индинга келинг...»

Бу важларнинг даври ўтди

Ҳаммамизнинг у ёки бу масала юзасидан давлат идораларига ишимиз тушиб туради. Бундай пайтда кўнгилнинг бир чеккасида «Ишқилиб, муаммо ортиқча оворагарчиликсиз, тезроқ ҳал бўлсин-да», деган илинж бўлади. Қоидага кўра, ҳар қандай мурожаат тегишли мутасаддилар томонидан белгиланган муддатларда кўриб чиқишлиги, ариза ёки шикоятимизга асосли жавоб қайтарилиши шарт. Бироқ беш қўл баробар эмас — ташкilot ва муассасаларда вазифасига лоқайд, ҳузурига келган кишининг шаштини қайтарадиган раҳбар-ходимлар ҳам учраб туради.

Жалакудук туманида яшовчи Б. Абдукаримов ҳамда Г. Рахимовга турмуш шароитини яхшилаб, оёкка туриб олишлари учун молиявий ёрдам — банк кредити зарур бўлиб қолди.

Бироқ «Халқ банки»нинг туман бўлими масъуллари ариза муаллифларининг талабини қондириш ўрнига ҳар иккисига ҳам «Эртага келинг, индинга келинг...» деган ваҳллардан нарига ўтишмади. Хуллас, эҳтиёжманд фуқаролар анча вақт овора-ю сарсонлики бошдан кечиришди. Банк муассасасида муаммонинг ечими топилмагач, улар Халқ қабулхонасининг эшигини қоқиб

келишди. Мана шундан кейингина масала ҳал этилди. Халқ қабулхонаси мудири туман прокурорига таклиф киритди. Банк филиали бошқарувчиси вазифини бажарувчи С. Жумабоев суд қарори асосида жаримага тортирди.

Энди мана бу ҳолатга эътибор қаратайлик: Мажбурий ижро бюросининг Пахтаобод тумани бўлими давлат ижрочиси Н. Муҳаммадтўраев зиммасига юклатилган вазифини вақтида адо этмади. Гап шундаки, ҳудуддаги «Шоврук» маҳалласида яшовчи Д. Ўлжаева қарамоғидаги фарзанди учун турмуш ўртоғидан алимент ундиришда азият чекиди. Бу борада ваколатга эга бўлган ташкilot ходими, яъни Н. Муҳаммадтўраев мурожаатга жавоб қайтаришни пайсалга солаверди. Халқ қабулхонасига мурожаат қилинганидан сўнг ўз ишига совуққонлик билан ёндашган ижрочи вазифасига ҳақдорлик деб топилди. У билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. Мана, белгиланган тартиб-тамоийлини менсимаслик оқибати!

Афсуски, мана шундай кўнгилсиз воқеалар битта-иккита эмас. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, айрим қорхона, ташкilot ва муассасаларда мурожаатлар билан ишлашдаги масъулиятсизликини ҳуқуқий саводсизлик билангина изоҳлаб бўлмайди. Избоскан тумани Халқ қабулхонаси томонидан фуқаро А. Акбаровнинг ишга жойлашиш бўйича мурожаати бандликка қўмақлашиш марказига юборилди. Марказ ходими С. Йўлбарсова жавоб хати тайёрлади. Аммо жавоб «Мен не дейман, кўбизим не дейди?» қабилида бўлиб чиқди. Начора, фуқаро А. Акбаров туман Халқ қабулхонаси марказ раҳбарига тақдимнома йўллади. Оқибатда, масъулиятсиз ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. Энди ўзи ишсиз қолди.

Хонобод шаҳридаги дорихоналарга кирган киши нарх-навои кўриб қапалаги учини тайин. Дори-дармонларнинг нархи бошқа туманларга нисбатан анча баланд. «Мустақиллик» маҳалласида яшовчи А.Раҳимов «Мана шу ма-

салага аниқлик киритиб беринглар», дея шахар Халқ қабулхонасига келди. Мурожаат шахар давлат солиқ инспекциясига юборилди. Назорат-инспекторлик шўъбаси бош мутахассиси А. Йўлдашев эса муаммони ўрганмади. Иш шу даражага бориб етдики, Халқ қабулхонаси томонидан киритилган тақдимномага биноан шахар прокуратураси солиқ ходимига нисбатан чора кўрди. У Ўзбекистон Республикаси Маъмурий кодексининг 43-моддасига асосан жаримага тортилди.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар қўлами кенгайгани сайин халқ билан мулоқот, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини мустаҳкамлаш йўлида бекиёш ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Халқ қабулхоналарининг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти салмоқли мавқега эга бўлаётир. Андижон вилояти Халқ қабулхонасига ўтган йили фуқаролардан жами 36 минг 607 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 27 минг 134 таси қаноатланти-



рилди. Бу муаммоларнинг 74 фоизи ҳал этилди, дегандир.

Айрим туман ва шаҳарлардаги қорхона, ташкilot, муассаса ҳамда идораларда ариза ва шикоятларда қайд этилган масалаларга эътиборсизлик, ҳафсаласизлик билан ёндашиш, мурожаатни кўриб чиқиш муддатларига риоя қилмаслик, ижрони ора йўлда қолдириш ҳолларига ҳам кўз юмиб бўлмайди. Халқ қабулхоналари аралашуви билан давлат идораларида хизмат доирасидаги юмушларга совуққон ва бефарқ шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан шу кунга қадар 317 та таклиф ва тақдимномалар киритилди.

Одамларнинг дард-у таъшишларига

шерик бўлаётган, таъбир жоиз бўлса, нажот қалъасига айланаётган Халқ қабулхоналари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар қўриляпти. Қонунга зид ҳар бир ҳолатга тегишли муносабат билдириляпти. Бу эса «эртага келинг, индинга келинг», деган баҳоналарнинг даври ўтганини кўрсатмоқда.

Нурилло НУЪМОНОВ
«Ishonch»



Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳадаги жиддий муаммо ҳамда камчиликлар ечимини тезлаштирди.

ҚАРЗДОРЛИК ҚАНДАЙ УНДИРИЛАДИ?



Муқаддам маъкур соҳа мутасаддилари томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаётган истеъмолчиларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилмагани, ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишда сансозликка йўл қўйилгани оқибатида қарздорликнинг кескин ортиши, истеъмол қилинган электр энергияси ва табиий газ учун тўловлардан бўйин товлаш ҳолатлари юзага келган эди. Президентимиз фармонида асосан Бош прокуратура ҳузурида энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишига, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланish ҳамда талон-тарож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга, шунингдек, суд ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашга масъул бўлган Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди. Бюрога энергия ресурслари етказиб берилиши ва истеъмолнинг ҳисобга олишнинг тўлиқлиги, ҳаққонийлиги, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан текширишлар ўтказиш ваколати берилган.

Муқаддам коммунал қорхоналар ишидаги чалқашлик ва нотўғри ҳисобланган қарздорлик ҳолатлари қўлаб истеъмолчиларда эътироз ва нозилик келтириб чиқаргани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда «Ўзбек-энерго» ва «Ўзтрансгаз» АЖ томонидан МИБга қарздор истеъмолчилар ҳақида белгиланган тартибда маълумот тақдим этилади. Бюросининг туман ва шаҳарлардаги бўлимлари эса маълумотларни ахборот тизимлари, маълумотлар базалари билан солиштириш ва қарздорлигини ундириш чораларини кўради. Шу тарика «Ўзбек-энерго» ва «Ўзтрансгаз» АЖ ходимларининг фойдаланилган энергия ресурслари учун тўловларини ундириш мақсадида хонадонма-хонадон юришларига чек қўйилди. Ушбу вазифини амалга оширувчи давлат инспекторлари томонидан тўлов пуллари тўлов терминаллари орқали қабул қилинади, нақд пул қўринишдаги тўловлар эса ҳудудий банк шохобчалари орқали амалга оширилади.

Ҳисоблагич бутлиги учун масъулият ҳар бир истеъмолчи зиммасида. Агар унга шикаст етказилса ёки қандайдир сабаб билан бузилган бўлса, бу ҳол маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин. Ҳисоблагичнинг ўзгартиришда бирор шахс ёрдам берган тақдирда, нафақат назоратчи, балки истеъмолчи, хонадон эгаси ёки юридик шахс бирдек жавобгардир.

Фармонга асосан тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаса, истеъмолчи тармоқдан мажбурий узиб қўйилиб, қайта улаш учун жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари, юридик шахслардан эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорда жарима ундирилади. Электр ва газ тармоқларига ўзбошимчилик билан уланish ёки улардан фойдаланиш қондаларини бошқача тарзда бузиш, шунингдек, ҳисобга олиш аёбоблари, шу жумладан, уларнинг пломбаларига қасдан шикаст етказиш, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида ташқаридан аралашуш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига биноан фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараварига, мансабдор шахсларга эса йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, қарздорлик тўланмаган тақдирда ундирув мажбурий тартибда қарздорнинг мол-мулкига қаратилган ҳамда унинг мамлакатимиз ҳудудидан четга чиқиши тақиқланади.

Мухайё ПАТТАЕВА,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими бош инспектори

Солиқ тўловчиларга қулайлик

Хозирда Давлат солиқ қўмитасининг «Электрон давлат хизматлари — my.soliq.uz» портали орқали аҳолига 35 турдаги электрон давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Уларнинг 15 таси ахборот, 20 таси эса интерактив давлат хизматлари сирасидандир. Маъмур портал солиқ органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига солиқ тўлашда қулай шароит яратишга мўлжалланган.

Таъкидлаш жоизки, порталда солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ барча масалаларни электрон шаклда ҳал этиш мумкин. Юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, яққа тартибдаги тадбиркорлар учун жорий этилган алоҳида «Шахсий кабинет» берил бўлиб, муҳими, у узлуксиз ишлайди.


Эндиликда тадбиркорлик субъектлари барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларини онлайн режимо

нда тўлаши мумкин. Бунинг учун электрон рақамли имзо қилиш орқали «Шахсий кабинет»га кириб, солиқ турини танилаш ва тўлов суммасини кўрсатиш кифоя. Бундай қулайлик солиқ тўловчиларни ортиқча оворагарчиликлардан ҳалос этади. Бундан ташқари, сайт орқали «Ягона дарча» марказлари томонидан тадбиркорлик субъектларига солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) бериш тизими ишга туширилган. Бу эса солиққа оид ахборотларни ягона базага жамлаш имконини беради.

Солиқ тўловчиларга яратилаётган бундай қулай, имкониятлар сарф-харажатларни тежаш билан бирга, солиқларни ўз вақтида тўлашга сабаб бўлмоқда.

Акмал КАРИМОВ,

Бектевтар тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи



Реклама ва эълонлар

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, 2018 йил 15 мартдан бошлаб почта алоқасининг универсал хизматларига янги тарифлар жорий этилди:

20 граммгача бўлган почта жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ичида жўнатиш учун қуйдаги тарифлар ўрнатилган:

- Оддий хат-хабарлар — 650 сўм
- Буюртмали хат-хабарлар — 1300 сўм
- Оддий бандерол — 650 сўм
- Оддий майда пакет (100 граммгача) — 800 сўм

Почта алоқаси тарифлари ва хизматларининг тўлиқ рўйхати барча почта алоқаси қорхоналари ва бўлимларида ва www.pochta.uz сайтида мавжуд!

Акционерное общество «Ўзбекистон почтаси»

По согласованию с Министерством финансов Республики Узбекистан с 15 март 2018 года вводятся новые тарифы на универсальные услуги почтовой связи:

- На пересылку в пределах Республики Узбекистан почтовых отправлений до 20 граммов установлены тарифы в следующих размерах:
- Простая письменная корреспонденция — 650 сумов
- Заказная письменная корреспонденция — 1300 сумов
- Простая бандероль — 650 сумов
- Простой мелкий пакет (до 100 граммов) — 800 сумов

Полный перечень тарифов и услуг почтовой связи имеется во всех предприятиях и отделениях почтовой связи и на сайте www.pochta.uz

Пользуйтесь услугами почтовой связи!

ТУЗАТИШ:

МЧЖ «Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш қорхонаси шунинг маълум қиладики, 2018 йил 6 феврал кунин «Ishonch» газетасининг № 16-сонидаги эълонда берилган «Маъмур автотранспорт воситалари 2018 йил 6 март кунинг аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо қунарида ўтказилишини маълум қиламиз» деб ўқилган.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй.
Телефонлар: 249-54-59, веб сайт: ktias.uz

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОДАН ОЛИШ ВА ЁПИҚ АУКЦИОН САВДОГА ҚЎЙИШ:

МЧЖ «Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш қорхонаси шунинг маълум қиладики, 2018 йил 3 феврал кунин эълонга берилган «Ishonch» газетасининг № 15-сонида чоп этилган Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Матбуотчилар кўчаси 9-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси

Миллий Хавфсизлик Хизматига қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари Миллий Хавфсизлик Хизматининг 2018 йил 23 февралдаги 11/А -282-сон хатига асосан ким ошди савдоларидан олиниб, ёпиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда:

№	Автомобил номи	Иш. чик. йили	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сакланаётган жойин МХХ
1	Нексия	2003	10/061 TST	27 479 000	Тошкент
2	Нексия	2006	01/029 TST	33 226 000	Тошкент
3	Нексия	2006	01/024 TST	33 226 000	Тошкент
4	Нексия	2003	25/015 TST	23 220 000	Жиззах
5	Нексия	2004	30/034 TST	21 030 000	Самарқанд
6	Нексия	2003	90/016 TST	20 836 894	Урганч
7	Нексия	2004	25/039 TST	23 042 000	Жиззах
8	Нексия	2004	25/034 TST	22 640 000	Жиззах
9	Нива Шевролет	2005	95/014 TST	26 680 860	Нукус

Ёпиқ аукцион савдолари 2018 йилнинг 3-, 10-, 17-, 24 апрел кунлари соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Маъмур автотранспорт воситалари 2018 йил 3 апрел кунинг ёпиқ аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда, эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо қунарида ўтказилишини маълум қиламиз. Талабгорлар савдода қатнашиш учун юзага келадиган барча харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширадирлар.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ «Ипотека банк»

Шайхонтохур филиали, МФО: 00425, ИНН: 302074183, ОКОНХ: 83200 га тўлашлари шарт.

Ёпиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш қунари соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Ёпиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказилишига бир иш қуни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил:

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. **Телефонлар:** 249-54-59, веб сайт: ktias.uz

«Auto Gold Grant» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очик аукцион савдосига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан «Radioaloqа, radioeshittirish va televideonye markazi» давлат унитар қорхонасининг 2018 йил 26 февралдаги буюртманомасига мувофиқ қорхонага тегишли Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси 109- «А» уйда сакланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари 2018 йил 30 март кунин соат 11:00 да ўтказилганда аукцион савдосига қўйилмоқда: «ГАЗ 330210» р-ли, 1995 й. и.ч, бошқа ранг, д/б 01/163 ОАА, т/н, б.б. 2 707 500 сўм, «Дамас» р-ли, 1996 й.

и.ч, оқ, д/б 01/925 ОСА т/н, б.б. 4 615 000 сўм, «УАЗ 3909» р-ли, 1997 й. и.ч, жигарранг, д/б 01/556 DCA, т/н, б.б. 1 357 253 сўм.

Маъмур автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойинга чиқиш танишиш мумкин. Агарда ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда тақририй савдоси 2018 йил 16, 30 апрел қунари бўлиб ўтади. Савдо ғолибига 10 иш қуни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлардан аризалар расмий иш қуна

лари соат 10:00дан 16:00гача (соат 13:00-14:00гача тушлик) қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш савдолардан бир кун олдин, яъни 28.03.2018 й. соат 16:00 да тўхтатилади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «зақалат тўғрисидаги келишув»га асосан зақалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжати нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ва

қўшимча кўрсатилган хизматлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдордаги тўлов «Auto Gold Grant» МЧЖнинг Тошкент шаҳар филиалига ОАИТБ «Ипак йўли банк» Миробод филиалидаги 2020 8000 2004 2284 9001 ҳисоб рақами, МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш ва савдонинг ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси 2 Б. Телефон: 232-02-96. Гувоҳнома №05791

Хизматлар лицензияланган

Эй чарх, не даврларники даст эттинг,
Даврингда муҳаббат аҳлини
маст эттинг.
Хар кимники оламда забардаст эттинг,
Охир ажал илгинди они наст эттинг.
Алишер НАВОЙ

Одил Ёкубов феномени. Уни идрок этиш, фахмлашга интилиш ўз халқини жондан севган улуг адибнинг бепоён олами сирларидан вокиф этади. Бу хол бекиёс тарихий асарлари, гўзал киссалари, такрорланмас ҳикояларидагина эмас, балки фикри-зикри, ўй-мулоҳазаларида ҳам акс этганига шубҳа йўқ. Зеро, ўз ички хис-туйғуларидан озикланган ижод аҳли дил ва тил бирлигига эришибгина самимий ҳам-суҳбат топа олади.

У ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг энг мураккаб жараёнларига фаол аралашар, қурашар, ўз халқи манфаатларини ҳимоя қила олмаса, эртага ёзганларини биров ўқиб тушунмайдигандек хавотир хис этаётганга ўхшарди.

Бу хавотир бугун бизга ҳам бегона эмас. Атоқли ёзувчининг асарлари тарози посангисининг бир тарафини босиб турса, иккинчисини ижтимоий-сиёсий фаолияти банд этган. Унинг Москвадаги тарихий нутқи бунинг ёрқин далили. Адибнинг қуйида эълон қилинаётган турли масалаларга бағишланган фикр-мулоҳазалари ана шу феноменнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

Шойим БЎТАЕВ

Одил Ёкубов феномени

Эссе

«Бундай қилиш маданиятга кирмайди»...

Хар қандай жамиятнинг ўзига хос муаммолари, вазифалари бўлади. Қадим-қадимдан шундай. Ўша муаммо-ю вазифаларни адабиёт ўрғатга олиб чиқади, хал қилишда йўл кўрсатади. Албатта, биз адабиёт деганда бўлар-бўлмас гапларни китоб қилиб чиқаришни эмас, ҳақиқий маънодаги адабиётни назарда тутамиз. Адабиёт халқнинг кўнглида қат-кат бўлиб ётган гапларни айтади.

Собик Иттифок ўрнида мустақил давлатлар пайдо бўлди. Бу бурилишлар, ўзгаришлар адабиётда қандай ифодасини топиши керак, онги хали ўша эски тушунчалар билан қотиб қолган инсон нима-ларини топаётгани-ю нима-ларини йўқотаяпти — бу гапларни адабиёт тушунтирмаса, сиёсий гуруҳлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб нималар демаяди? Уларнинг аксарияти ҳокимиятни эгаллаб олган, халққа берган ваъдаларини унутди ёки «сўзда бошқа, амалда бошқа» қабилида найранг билан алдашни бошлаб юборишади. Мустақил тузумнинг энг қаттиқ иллат ана шунда эди. Қўнғил кечинмалари, эврилишларини асосий мавзу сифатида белгилагани учун адабиёт Инсон томонида. Ҳақиқатнинг ҳимоясига отланиб туради, агар шундай қилмаса, у сохта никоҳда тезда унутилишга маҳкум бўлади. Мана, масалан, Александр Солженищин Россияга қайтиб келган «рахмат, раҳмат», деб қўлини кўксига босиб, ўзига қулай шароит истагани йўқ. Узок Шарқча бориб кўри, одамларнинг туриш-турмуши, ҳаёт қийинчиликларидан огоҳ бўлиб, «ижтимоий ҳимоясиз ташлаб қўйилган одамларни кўрдим», деган гапни айтди. Буни Россия ҳукуматидагишлар ҳам тўғри қабул қилди. «Мустақил бўлди-ю ҳамма муаммолар бартараф бўлиб кетди», деган гаплардан қочиб керак. Бизда шунга мойиллик кучли. Тўғри гапнинг мактовга айлантириб айтмас, негадир кўнглимиз тўлмайди. Бундай қилиш маданиятга кирмайди.

«ОДАМЛАР ҲОЗИР КИТОБ ЎҚИМАЙ ҚЎЙДИ»

Ҳаётдаги бурилишларни адабиёт баҳоли қудрат акс эттираяпти. Аммо адабиётнинг ўзига ҳам бурилишлар, ўзгаришлар бўлаяпти,

деб айтиш қийин. Шу кунни акс эттираётган қатта асарлар керак. Интилишлар, ҳаракатлар бор-у, лекин қоникарли эмас. Адабий асарни ёзишдан мақсад-мудлоа нима? Уни халқ ўқисин-да! Энди тўғриси айтиш керак, одамлар ҳозир китоб ўқимай қўйди. Газета-журналларга ҳам кўп қарамайди. Телевизор кўради. Ўйинчи, яллагичларнинг чикишлари жуда кўп. Майли, мен қарши эмасман, лекин Лев Толстой келтирган ўша немис князининг гапида жон бор-да! Ўша княз «каерда қўллар бўлишини хошлашса, ўша ерда кўпроқ мусиқа яратилиши керак», деган экан. Алмоий-жалмоий мусиқа жодуга ўхшаб фикрни аллаласа керак-да! Бизга эса бугунги кунда фикрлайдиган, тафаккури кенг одамлар керак.

«СОХТАЛИК ТЕЗДА ФОШ БЎЛАДИ»

Энди биз ва кейинги авлодни «ярқ этган асарлар берди», деб айтиш қийин. Ёшларда интилиш сезилиб турибди, баъзан яхши натижалар ҳам берапти. Ҳозир шундай бир гап бор: гуёки Совет даврида яратилган асарларнинг ҳаммаси бўлмади, улар партиявийлик принципида фақат коммунистларни мактаган. Лекин ўша вақтда адабиётда инсонпарварлик гояларини илгари сурган, яхшиликни, эзгуликни тарғиб қилган талай асарлар яратилган. Адабиёт ўша ҳаётни акс эттирган бўлса, ўқувчи ундан коммунист образини олиб ташлайдими? Бу гаплар энди кўпроқ тарихга нисбатан айтилиб, янги тарих яратамиз, дейиляпти. Умуман олганда, принципиал жиҳатдан олиб қа-

ралганда, буларнинг ҳаммаси тўғри. Хар хил қарашлар шаклланыпти, жамиятга қарашлар ҳам ўзгараёпти. Масалан, «босмачилик» деб аталган ҳаракатни олиб қўрайлик. Бу ҳаракатни фақат қоралаш тенденцияси мавжуд эди, ким босмачи-ю, ким миллий озодлик ҳаракатининг қўрбонлари эканини бизга тескари тушунтиришарди. Мана, энди шу масалаларга аниқлик қираётгани, албатта, яхши. Лекин «янги тарих яратамиз», деган гапларни кампанияга айлантирмаслик керак. Тарих ҳақида жуда ўйлаб ёзиш керак, тарих дегани хар кимнинг дили-таъбига қараб ўзгарадиган ҳодиса эмас. Ҳақиқатга суяниш керак. Ҳақиқат қарор топганда ёлгон гаплар учун ерга қараб, уялиб қолиш керак эмас. Ҳақиқат баъзан фикрларнинг рад қилиши мумкин, ўйлаётганларингга мос келмаслигим мумкин, лекин начора, у абадий ҳодисадир, сохта ҳақиқат яратаман, деб қиранганлар тезда фаш бўлади. Чала-чулла, у ёқнинг ҳаммасини қоралаб, энди бу ёқни «нуррафшон» қилишининг ҳеч ҳолати йўқ. Халқ ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб турган, бунақа қалғитишлардан бошқача ҳулоса чиқаради. Эҳтимол, муайян доираларнинг манфаатлари учун бу нарсалар маълум бир вақтда хизмат қилар, аммо умри узокка чўзилмайди. Хар бир ҳодисага хар томонлама, чуқур илмий ёндашув керак. Ўзи биз

бирёкламликка ўрганиб қолганимиз, озгизмиз даям битта эмас, бир неча тил борга ўхшайди.

«ТАРИХЧИ ХОЛИС БЎЛИШИ КЕРАК»

Авалл Сталинни жуда «бардор-бардор» қилишган. Тарихчида унга бағишлаб шеърлар ёзилар, унинг шарафига қўшқилар тўқиларди. Тўғри, қаттиқ кўрқиншган-да... Шунинг учун ўлганидан кейин унинг ярамас ишлари, миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритгани ҳақида адолатли гаплар юзага чиқди. Уни қоралаб, ҳамма мағзавани устига тўқдик. Лекин халқнинг бу одамга муносабати бошқача эди. Ҳозир ҳам шундай. Нега? Мана шу мустабиднинг қилган ишлари жуда дахшати, миллион-миллион одамларнинг ёстигини қуритгани кечирилмас бўларини билан уруш дарида унинг ҳам хизматлари бўлган экан. Энди-и баъзилар «бизни Гитлер босиб олганда ҳам яхши бўларди», дейишади, бу аҳмакона гап. Чунки фашизмга ўшандам, ҳозир ҳам инсоният қарши турган. Чунки фашистик гоялар



коммунистик гояларга қараганда минг марта дахшати ва фожали оқибатларга олиб келгани тарих исботлаган. Мен ўзим уруш қатнашчиси сифатида фашизмни бартараф

Энди «халқ» тушунчаси жуда мураккаб. Халқни ёмонлаб ҳеч ким обрў топмаган. Чунки охир-оқибатда у ҳақ бўлиб чиқади. Тарихда қоладиган халқ. Халқ — абадий ҳодиса.

«ХАЛҚ — АБАДИЙ ҲОДИСА»

Халқ, халқ деймиз-у, лекин кўпинча бу халқнинг ўзи ким, унинг қўлидан нима келади, унинг номи бунчалик кўп тилга олинади, деб ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Халқ жуда мураккаб тушунча. Масалан, Пушкин уни «қора авом», деб атаган. Халқ шундайки, баъзан яхшиликни тушунмайди, билимайди. Бунинг мен ҳозир даблуретдан айтаётганим йўқ. Пушкин нима учун шундай деган? У халқнинг дардини айтиб турганда, халқ қабул қилмаганидан кейин «қора авом» деб қўя қолган-да!

Нима дейсиз, халқ-да! Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак?» деган китоби машҳур эди. Инкилобчи бўлган-да уям! Ўзича халқ учун курашган. Уни ўлимга ҳукм қилишган. Сенатда кўриб чиқилиб, кейин сургун қилмоқчи бўлишган. Ўша кунни Сенат майдонига Петербургнинг ёшу қариси тўпланиб чиққан.

Улар Чернишевскийнинг ёнини олиш учун чиқишганмиди? Ўзлари учун умрини хазон қилаётган фидоий инсонни шармандагарчиликдан қутқариб қолмоқчи бўлишганмиди?

Асло! Улар шунчаки томоша қилиш учун чиқишган. Ҳайвонот боғи ёки циркка қандай қайфиятда боришса, Сенат майдонига ҳам шу қайфиятда тўпланишган.

Энди-и Чернишевскийнинг аҳволини бир тасаввур этинг-да! Бундан кўра бошини қилич билан шартта узиб ташлашса маъқул эди-ку?!

«Шу халқ учун курашдимки, аҳмоқ эканман», деган Чернишевский.

Буям халқ-да. Мана, ҳозир Қодирий, Қўлпонларни қўтариб, ўша вақтларда нотўғри ишлар бўлганини

айтмоқдамиз. Лекин уларни қамаганда ҳам-маям нотўғри иш бўлди, деб айтмаган. Ҳатто мажлислар қилишиб, одамлар қоралаб тапиришган, бир-бирларининг гапларини тасдиқлашган, «халқ душманларига орамизда ўрин йўқ», дейишган. Бундай гапларни айтган, ҳатто ёзиб, унга қўл қўйиб берганлар орасида қатта-қатта ёзувчилар ҳам бўлган. Улар таъиндан бўлақ, тўғри бўлаяпти, деб ўйлашган-да!

Бунга нима дейсиз? Халқ Лениннинг шафқатсиз гоялари ортдан ҳам эргашиб кетди-ку?! Буржуялар деб, савдогарлар деб ўрис миллатининг «гули»ни

қилиб ташлашди-ку! Уларнинг ҳаммаси юз йиллик биологик курашдан чиқан янги қатламлар эди, миллатнинг «гули» ҳисобланарди — бу ўзининг оёғига ўзи болта уриш билан баробар эди. Дворан бўлиш осон эмасди. Қобилиятли, истеъдодли одамлар ажралиб чиққанди. Ўзимизда ҳам шундай бўлди: «бойсан, қулоқсан, эшонсан», деб қанчалар-қанча ақлли одамларни қиришди. Шу гапларга ишонган, шу гояларни қўллаб-қувватлаган халқ, бундай айтган-да, оломон бор-да!

Бир подшоҳ «Бўйсинингиз», дея амр қиларкану, кейин «қўлларини бошқаришдан чарчадим», деб нола чекаркан. Халқчилик-да. Энди «халқ» тушунчаси жуда мураккаб. Халқни ёмонлаб ҳеч ким обрў топмаган. Чунки охир-оқибатда у ҳақ бўлиб чиқади. Тарихда қоладиган халқ. Халқ — абадий ҳодиса.

«ҲАҚИҚАТ»

Қатта ҳақиқатларни айтган ёзувчиларнинг халқ хар дом тўғри қабул қилвермайди. Масалан, Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини ўша вақтда рус халқи жуда совокчилик билан қарши олган. Ўқимаган. Шу даражага борганки, Лев Толстойда Россияни тарқ этиш истаги ҳам тутилган. Бутун юрак кўриниб бериб ёзган асарини ўз халқи бундай қўлиб олиши ёзувчини қаттиқ ранжитган. Энди «Уруш ва тинчлик»нинг бош қисмлари бироз эрикарки ёзилгани, қўлиб кетгани бор гап. Лекин бир нарсани унутмаслик керак: умуминсоний, дунёвий муаммоларни кўтариб чиқишга бел боғлаган жондор, ҳақиқий маънодаги нақр ҳамиша ҳам худди ҳам-тома ёки ланифага ўхшаб енгил-епти ёки қизикарли ёвоқлар билан бўлишнинг шарт эмас. «Уруш ва тинчлик» асари дунё турғунча турадиган асар, лекин ўша пайтдаги рус халқининг тушунчаси уни қабул қилишга тайёр бўлмаган. Умуман, «оқоёқ, ҳақиқат», дейишадиган ҳақиқатни хар ким ҳам ўз вақтида тўғри тушунавермайди. Шунинг учун Ёкубовий Зунун Мисрий тилидан «сунчинги исм келтирдим, на омма қабул қилди, на хос қабул қилди — бу ҳақиқат исми», дейди.

(Давоми келгуси сонларда)



22 та олтин кони

Президентнинг жорий йил 22 январдаги қарори билан тасдиқланган давлат дастурига мувофиқ, 25 турдаги фойдали қазилмалар захираларини кўпайтириш ва геология-кидирув ишларини жадаллаштириш ҳисобига 50 та янги кон саноятда ўзлаштиришга тайёрланади. Бу ҳақда Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси маълум қилди. Уларнинг 22 таси олтин, 3 таси уран, 2 таси рангли металл

ва бошқа хар хил норуда фойдали қазилмалардир.

Шунингдек, 20 та ер ости сув қонини топиш ҳисобига 6 виллоятдаги 2 шахар, 12 шахарча ва 220 қишлоқ аҳоли пунктлари сув билан таъминланади.

Навоий ва Самарқанд виллоятларидаги худудларда жойлашган геологик 6 шахарчада бошқа худудлардан келиб ишлаётган 60 нафардан зиёд ёш мутахассис учун 32 та уй қуриб берилади.

Аҳоли газ таъминотидан норози

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясидан маълум қилишларича, ўтган йилги мурожатлар сони 2016 йилдагидан 4219 тага кўпайган. Ариза ва шикоятларнинг 12976 таси, яъни 91,9 фоизи ижобий ҳал этилиши натижасида истеъмолчиларга етказилган 4 миллиард 397 миллион сўм зарар қайта ҳисоб-китоб қилиб берилган.

Мурожатлар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг

қатта қисми табиий газ таъминоти (4389 та, 31,1 фоиз), савдо (3320 та, 23,5 фоиз) ва электр таъминоти (2201 та, 15,6 фоиз) тааллуқли экани маълум бўлди.

Шунингдек, коммунал хизмат кўрсатиш (742 та, 5,3 фоиз), сув таъминоти (506 та, 3,6 фоиз), транспорт (273 та, 1,9 фоиз), алоқа (317 та, 2,2 фоиз), соғлиқни сақлаш (264 та, 1,9 фоиз) йўналишида ҳам мурожатлар кўплиги кузатилади.

А. АРСЛОНОВ
тайёрлади

«Ishonch»да

халқ билан мулоқот

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари тахририяти интернет сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари, шунингдек, бевосита газеталар орқали янги — «Жавоб излаётган саволлар» саҳифаси ташкил этилаётганини маълум қилади. Эндиликда Сиз ўзингизни қизиқтирган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маиший, тиббий, ҳуқуқий ва бошқа мавзулардаги саволларингизни бизга йўллашингиз мумкин.

Саволлар, аввало, газета саҳифалари орқали тегишли идоралар мутасаддилари эътиборига ҳавола этилади. Уларга қонун доирасида жавоб ва изохлар талаб қилинади. Саволларга жавоб олиниши жамоатчилик назорати тамойили асосида амалга оширилади. Муштариоларнинг йўллаган муносабатлари газета ва интернет сайтимиз ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимиз орқали эълон қилиб борилади. «Ishonch» сизга ёрдам беришга, энг муҳими, ишончингизни оқлашга интилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИ:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24-уй.

Саволларингизни «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталарининг

t.me/gazetaishonch

www.facebook.com/ishonchgzt

fatlar@ishonch-doverie.uz

электрон манзилга юборишингиз сўралади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталарининг расмий канали. Сайтнинг манзили: ishonch.uz

Ishonch
Doverie

Қашқадарё виллоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Исак Аҳмедовга волидаи мухтарамаси

ХОСИЯТ аянинг

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:



2007-йил 11 январда Ўзбекистон ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир:

Ҳусан ЭРМАТОВ

Тахрир ҳайъати:

Абдулазиз Абдуллаев, Тўлқин Тешабоев, Эсон Ражабов, Улугбек Жалмонов, Фарход Хананияев, Равшан Бедилов, Асрор Ишанходжаев, Мухаббат Ўрмонбекова, Оксана Белоусова, Тимур Мамажонов (бош муҳаррир ўринбосари), Аммал Тошев

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Халқлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,

Бухоро кўчаси, 24-уй.

E-mail: fatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда.

Газета «Ishonch»нинг компютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,

банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон

Республикаси — (+998-91) 268-92-32

Андижон — (+998-91) 475-23-60

Бухоро — (+998-93) 653-50-81

Жиззах — (+998-91) 943-67-44

Наманган — (+998-90) 260-50-77

Навоий — (+998-93) 314-13-03

Самарқанд — (+998-97) 915-50-87

Сирдарё — (+998-90) 610-95-55

Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07

Фарғона — (+998-91) 141-27-70

Хоразм — (+998-90) 719-48-00

Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи қўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтасидан фавқулоддидир.

Навбатчи муҳаррир:

А. Тошев

Навбатчи:

Ж. Эргашев

Мухасши:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Х. Абдулжалилов

Босишга топшириш вақти: — 00:10

Тошириш вақти: — 00:30

123 36

Газета офсет усулида,

А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табақ.

Бўғирма Г — 209.

35402 нускада босилди.

Нашр қўрсатиши: 133